

# 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!



# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2016-йил, 13-dekabr. Seshanba ● 149 (32.208)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-йил 21-iyundan chiqq boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

### Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан чин дилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугунги кунгача Сиз Жаноби Олийлари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири сифатида мамлакатнинг ички сиёсатини бошқариб келдингиз. Жаноби Олийлари, Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон янада жадал тараққиётга эришди, бу ўз навбатида бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва фаровонлигига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Биринчи Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён икки томонлама алоқаларимиз дўстлик ва ўзаро қулайлик муҳитида давом этмоқда. Ўзбекистонга ўтган йилги ташрифим давомида Сиз Жаноби Олийлари мени самимий қутиб олганингиз ва бутун ташриф давомида ҳамроҳлик қилганингиз мен учун улкан шараф бўлди. Япон ҳарбийлари мангу кўним толган масканни зиёрат қилиш, Навоий номидаги театрга ташриф, хотира концертида иштирок этиш ташрифимни жуда бойлиги ва шахсан менда унутилмас таассурот қолдирди. Шу муносабат билан Сизга яна бир бор самимий миннатдорлигимни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Сиз Жаноби Олийлари билан яқин ҳамкорликда мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатларни янада ривожлантириш тарафдориман. Бундан ташқари, биз "Марказий Осиё + Япония" мулоқоти доирасида бутун Марказий Осиё билан ҳамкорлиқни ривожлантиришга тайёرمىз.

Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига бахт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром билан,

Шиндзо АБЭ,  
Япония Бош вазири

### Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан энг эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Сизнинг ишончли галабангиз Ўзбекистон халқи раҳбарлиги қобилиятингизга қатъий ишонишдан далolatдир. Бу Сизнинг узокни кўзлаган раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришган улкан ютуқларнинг эътирофидир.

Покистон ва Ўзбекистонни қардошлик ва дўстлик муносабатлари боғлаб туради. Мамлакатларимиз кўп йиллар давомида кенг доирадаги масалалар бўйича ўзаро алоқаларнинг юксак даражасига эришган. Ишонаманки, яқин ва самимий муносабатларимиз халқларимиз ва мамлакатларимиз манфаатлари ва фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва улкан зафарлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, ривожланиш ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Мамнун ХУСАЙН,  
Покистон Ислам Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!  
Польша халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Польша Ўзбекистонда, шу жумладан, кейинги ойлarda Сизнинг раҳбарлигингизда иқтисодий ва жамиятни ислоҳ этиш борасида амалга оширилган ишларни ҳурмат билан қайд этади. Жаноб Президент, Сизга Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришдаги ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Польша ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашдан манфаатдор. Шу муносабат билан 2017 йилда Польша — Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларaro комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтиши ҳамда ушбу мажлис ўзаро иқтисодий муносабатларимизнинг ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият бўлишига умид қиламан.

Сизга жорий йил 9 ноябрда йўллаган мактубингиз ва олий даражадаги ташрифлар алмашиш тўғрисидаги таклифингиз учун миннатдорлик билдираман. Жаноб Президент, Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлик тилаган самимий истакларимни қабул қилгайсиз. Ҳурмат билан,

Анджей ДУДА,  
Польша Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирмонович!  
Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги галабангиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Сиз эришган муваффақият Ўзбекистон халқининг мамлакатдаги тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга қатъий қароридан далolatдир.

Арманистон — Ўзбекистон ўртасидаги давлатларaro муносабатларга янада жадал суръат бағишладан Арманистон манфаатдор эканини тасдиқлайман. Ишонаманки, ўзаро алоқаларимиз салоҳиятини тўла рўйбга чиқариш халқларимиз ва мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилади.

Сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш мақсадида Сизни, муҳтарам Шавкат Мирмонович, Арманистон Республикасига расмий ташриф буюришингизни таклиф этаман.

Ҳурматли Шавкат Мирмонович, Сизга юксак давлат лавозимидаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром билан,

Серг Саргсян,  
Арманистон Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Афғонистон Ислам Республикаси ҳукумати  
Иброҳим кенгаши раиси — доктор

Абдулла Абдулла

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси  
Федерация Кенгаши

Раисининг ўринбосари — Ильяс Умаханов

Россия Федерацияси Давлат Думасининг  
Халқаро ишлар бўйича қўмитаси

раиси — Леонид Слуцкий

«Российские железные дороги» ОАЖ  
Президенти, МДХга аъзо давлатлар

Темир йўл транспорт бўйича қўмитаси

кенгаши раиси — Олег Белозеров

Европа Парламенти  
депутати — Херберт Дорфманн

Нагоя университети  
президенти — Сеичи Мацуо

«ЛУКОЙЛ» нефть-газ компанияси  
президенти — Вагит Алекперов

«Боинг — фуқаролик самолётлари»  
компанияси президенти ва бош ижроочи

директори, «Боинг» корпорацияси

вице-президенти — Рэймонд Коннер

Умумий қасаба уюшмалари  
Конфедерацияси

бош қотиби — Владимир Шербаков

«Клаас» компанияси кузатув кенгаши раиси

— Катрина Клаас Мюлхойзер

«Клаас» компанияси бошқаруви

аъзоси — Ян-Хендрик Мор

«Мир» давлатларaro телерадиокомпанияси

раиси — Радик Батиршин

Қутловлар келиши давом этмоқда.

## МУНОСАБАТ

## ХАЛҚ БИЛАН ФИКРЛАШГАН ОДАМ КАМ БЎЛМАЙДИ



Фаррух АЛИЕВ, Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2016 йил 13 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ҚОНУН ВА ШАРҲ

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилади

Хеч кимга сир эмаски, бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган асосий масалалардан бири коррупция муаммосидир. Негаки, ушбу иллат тараққиёт йўлига жиддий тўсиқ бўлиб, жамият ривожини, соҳалар юксалишига беvosита таҳдид тугдирди. Шу боис мамлакатимизда унга қарши кураш чораларини кучайтириш, бу иллатни таг-томири билан йўқотиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилган.

Хабарингиз бор, бугун Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Унда мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ҳамда эркинлаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар, хусусан, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилади.

Ушбу қонун лойиҳаси дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасида соҳа мутахассислари, экспертлар ва сиёсий партиялар фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳи иштирокида кизгин муҳокама қилинди, уларнинг позициялари шакллантирилди. Қонунни қабул қилиш жараёнида улар ҳар томонлама ҳисобида олинди.

## Хўш, қонуннинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?



Дилмурод Саъдуллаев,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
депутати, ЎзХДП  
фракцияси аъзоси:

— Аввало, таъкидлаш керакки, мазкур қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари белгиланган. Унинг аҳамиятли томонларидан яна бири шундаки, коррупцияга қарши курашиш бўйича идораларaro комиссияларнинг ҳуқуқий қафолатлари

белгиланган. Ушбу комиссиялар коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун ташкил этилади. Идораларaro комиссияни шакллантириш ва унинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ҳудудий идораларaro комиссиялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Комиссиянинг асосий вазифаларига коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш киради. Шунингдек, у аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш вазифасини бажаради. Бундан ташқари, комиссия яна қатор ваколатларга эга.



Бунёд Эшонқулов,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
депутати, ЎзХДП  
фракцияси аъзоси:

— 2008 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилган. 2010 йилда эса Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракат режасига қўшилган. Шу боис бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш мақсадида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Айтиш керакки, қонунда жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция ҳолатларига тўлиқ барҳам бериш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш,

уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупция жиноятларининг олдини олишга эътибор қаратилган.

Масалан, қонунда белгиланганидек, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чоралар кўради.

Яна бир муҳим томони, қонунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ҳам белгиланган. Унга асосан ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра, муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан, муайян лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин. Юридик шахслар ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган.

Қонуннинг қабул қилиниши коррупцияга қарши курашиш, давлат ва жамият ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишга кенг йўл очади, деб ўйлайман.

Лазиза ШЕРОВА,  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири.





ЖАҲОН МАТБУОТИ  
САҲИФАЛАРИДА

■ «Мен Ўзбекистонда беш кун бўлдим. У ерда ўзимни эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис қилдим...»

## САЙЁҲ КУНДАЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАЛАРИ

Покистоннинг pakteahouse.net сайтида Амир Аббос Турининг Ўзбекистон ҳақидаги мақоласи эълон қилинган. Биз уни бироз қисқартирилган ҳолда газетхонларимиз эътиборига ҳавола қилишимиз.



«Мен Ўзбекистонда беш кун бўлдим. У ерда ўзимни эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис қилдим. Ўзбек халқига оид бунчалик бой ва юксак маданиятни кўрганимдан сўнг бу ҳақда ёзишга қарор қилдим. Тўғрисики тан олганим яхши, кўнглимдан ўтган кечинмаларнинг барчасини сўз билан таърифлаб беролмасам керак.

Ўзбекистонда бизга йўл бошловчилик қилган аёлнинг кўнгли очик, доимо кулиб турар экан.

Мазкур таърифимиздан кўзланган асосий мақсад жаҳонга машҳур «Қўҳи Қоф» афсонаси ҳақида маълумот тўплаш, ислом тамаддунида бекиёс ўрин тутган Тошкент, Буюк Ипак йўлининг энг марказий шаҳарларидан бўлиши Бухоро ва Самарқандни томоша қилиш эди.

1991 йилда мустақилликка эришган Ўзбекистонда бир пайтлар асосан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилган эди. Ҳозирда саноат корхоналари жуда кўп, нефть ишлаб чиқариш ҳам юқори даражада йўлга қўйилган. Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлик даражаси 99,3 фоизни ташкил қилар экан. Бизнинг Покистонда бу рақам 54,9 фоиз холос. Энди бу ёғини ўзингиз таққослаб кўраверинг.

Бўлса ҳам бу халқнинг меҳнаткашлиги туфайли тоғу тошларда ҳам боғлар барпо этилган. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолининг пазандалиги ҳам юксак даражада эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбек халқига хос бўлган кўп асрлик анъана ва одатлар аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Аксарият Осиё давлатларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам асосий қадриятлар оилавий масалалар билан боғлиқ: фарзанд туғилиши ва тўйлар. Ўзбек халқининг урф-одатларига назар солар эканмиз, уларнинг мусулмончилиikka айлани келиши ҳайратлантиради. Меҳмондўстлик, ёши улўларга ҳурмат ва эътибор юксак даражада шакланган.

Ўзбек тили мамлакатда давлат тили ҳисобланади. Шу ўринда аҳолининг катта қисми рус тилида, бугунги ёшлари инглиз тилида бемалол гаплашишини таъкидлаш жоиз. Самарқанд ва Бухоронинг маҳаллий аҳолиси тожик тилини ҳам билар экан.

Ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ҳақида гапирар эканмиз, ўзбек ошонасига алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Менга айниқса, гуручдан тайёрланган палов жуда ёқди. Ўзбеклар замонавий стол-стуллар билан бир қаторда ўзларининг қадимий хонтахталарини ҳам сақлаб қолгани эътиборга сазовор.

Тошкентда биз Амир Темури хибони, Мустақиллик майдони, Ҳазрати Имом мажмуаси ва Чорсу бозорига бордик. Ўйлашим бўйича, маълум бир мамлакатни яхшилаб ўрганиш учун халқнинг ичига кириш керак.

Самарқандда Регистонни томоша қилаётганимизда мен ва невис сайёҳини маҳаллий аҳоли вакиллари билан бири уйига таклиф қилди. Ушбу хонадонда бўлиб ўтган меҳмондорчиликни таърифлашга тилим ожизлик қилади. Зиёфатдан сўнг Амир Темури мажмуаси ва Шоҳи Зинда мажмуасини бориб кўрдим. Улар ҳам менда катта таассурот қолдирди.

Бухорода ўзбек ёшлари билан иқтисод ҳақида суҳбатлашдим ва улар яшаётган жамият ҳақида анча маълумотга эга бўлдим. Дунёда

**Pak Tea House**

Home | About | Contributors | Contact | Classifieds

Pak Tea House » Travel » Uzbekistan: A Traveller's Diary

Uzbekistan: A Traveller's Diary

By Amir Abbas Turi

A splendid call from 'The Diplomatic Insight' that I had made it for a five-day cultural tour to Uzbekistan, was really something extremely fabulous which beggars description. However, I will try to give shape of words to the marvelous feelings I had had. 'Evacuate the plane immediately,' was the call from an air hostess upon reaching to Tashkent as I was gone in the world of imaginations — during the flight. The first panorama of the city took me to a different world. The way from airport to hotel was a view worth watching breath-taking scenery, criterion buildings and foliage standing lofty in full blossom.

тарихий шаҳарлар кўп. Аммо улар орасида Бухоро ўзгача ўрин тутди. Бу шаҳар дунё маданиятининг марказларидан бири бўлган ва бу мақомни ҳамон сақлаб келмоқда. Унинг тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалади. Бухоро шаҳрининг марказида масжид ва мадрасалар жуда кўп ҳамда улар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон рўйхатига киритилган. Мен эртақларда тасвирланган, маҳобатли ва гўзал саройлар айнан Бухорода эканига амин бўлдим.

Ўз навбатида, Хивага ҳам бордим. Бу шаҳар ҳам кўп минг йиллик тарихга эга.

Амир Темури ва унинг авлодлари даврида нафақат Самарқандда, балки бошқа шаҳарларда ҳам жуда кўп меъморий обидалар қурилган. Бундан ташқари Сохибқирон тиббиётни ривожлантириш, олим ва расомларни ўз юртига таклиф қилиш ҳамда уларни рағбатлантириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратган. Унинг набираси бўлмиш Мирзо Улуғбек дунё тарихида биринчи ҳақиқий астрономдир.

Биз Самарқанддан унча узоқ бўлмаган Имом Бухорий мажмуасига ҳам бордик. Исмоил ал-Бухорий буюк олим, ер юзидаги барча муҳаддислар орасида энг кўп саҳиҳ ҳадислар тўплаган инсон бўлган. Биз ўша ердаги масжидда шом ва хуфтон намозларини адо этдик.

«Қўҳи Қоф» жуда катта тарихга эга бўлиб, унинг замирида кўплаб халқ эртақлари ва турли афсоналар пайдо бўлган. Гўзал шаҳарлар, буюк давлат арбоблари, ўлмас севги қиссалари ҳақидаги ҳикоялар бизга аждодларимиздан етиб келган.

Ўзбекистонга борганимдан кейин бу мамлакат ҳақидаги тасаввурларим бутунлай ўзгариб кетди. Мен бу кўҳна дёрини «Қўҳи Қоф» эртақларида тасвирланган жойларга ўхшатдим ва дўстларимга Ўзбекистонга боришни, бу мўъжизаларнинг ҳаммасини ўз кўзлари билан кўришни маслаҳат бердим».

«Ўзбекистон овози» муҳбири  
Темури Абзама тайёрлади.

## БОКС

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Латвиянинг Рига шаҳрида ўтказилган «Riga Open — 2016» халқаро турнирида 4 олтин ва 1 кумуш медални қўлга киритди.

Боксчиларимиз  
халқаро  
турнир ғолиби

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан 150 га яқин боксчи ғолиблик учун кураш олиб борган турнирда мамлакатимиз шарафини Сирожиддин Ғуломжонов, Абдулҳай Шораҳматов, Элнур Абдураимов, Маҳмуд Ғоипов ва Баҳодир Жалолов ҳимоя қилди.

56 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Абдулҳай Шораҳматов финалда латвиялик Никита Андрощуксини мағлубиятга учратган бўлса, 64 килограмм вазнда Элнур Абдураимов ўзининг тезкор ва аниқ зарбалари билан россиялик Анатолий Зирнов устидан зафар кучди.



Вазни 75 килограмм бўлган боксчилар ўртасидаги финал беллашувида Маҳмуд Ғоипов беларуслик Илья Адзиневици енгиб, олтин медални қўлга киритди.

91 килограммдан оғир бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги финал баҳсида Баҳодир Жалолов мезбон Эвандрес Сервутс билан рақобатлашди. Кескин ва мurosасиз ўтган жангда маҳоратли боксчимизнинг қўли баланд келиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади.

52 килограмм вазнда Сирожиддин Ғуломжонов кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўзининг юксак техника ва мустақам ҳимоясига эга бўлган иқтидорли боксчимиз Элнур Абдураимов мутахассислар томонидан «Riga Open — 2016» турнирининг энг яхши боксчиси дея эътироф этилди.

Жавоҳир ТОШҲҲАЕВ,  
ЎЗА муҳбири.

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

## МИЛЛИЙ БАНК:

## Сармоялар юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига йўналтирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ишбилармонларнинг шижоатини янада ошириб, уларнинг самарали меҳнат қилишларига имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш банкнинг ўз маблаглари, махсус жамғармалар ва жалб



этилан хорижий кредит линиялари ҳисобидан амалга ошириляпти.

Жорий йил 1 ноябрь ҳолатига «Ўзмиллийбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга берилган кредитлар ҳажми 2,1 триллион сўмдан ортиди. Кредитлар 9 минг 500 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилишига замин яратди.

— Корхонамиз иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди «BAHROM TRADE

GROUP» корхонаси раҳбари Зиёвуддин Мамажонов. — Шунга қарамай, технологик кастачилик асосида тайёрланаётган матоларимиз юртдошларимизга манзур бўлмоқда. Сир эмас, бугунги соғлом рақобат муҳити тадбиркордан доимий изланишни талаб этади. Шу боис харидорлар истеъдидан келиб чиқиб иш юритиш, янгиликка интилиш зарур. Муваффақиятларимизнинг асосий омилли банк хизматидан унумли фойдаланганимизда, десак

хато қилмаган бўламиз. Янги ускуналар сотиб олиш мақсадида Миллий банкнинг Тошкент вилоят бўлимига кредит сўраб мурожаат қилдик. Молия муассасаси мутахассислари мурожаатимизни қисқа муддатда қўриб чиқиб, корхонамизга 585 650 АҚШ доллари миқдорига кредит ажратди. Ушбу маблаг эвазига хориждан энг сўнгги русумдаги технологик ускуналар сотиб олдик. Бу эса сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш гарови бўлмоқда.

Келгусида режаларимиз катта. Хусусан, жорий йил охирига қадар ярим тайёр мато маҳсулотларини экспортга чиқариш ва шу орқали янги иш ўринларини сонини 300 га етказиш, унинг 30 фоизга яқинини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳисобидан тўлдириш ниятидамиз.

— Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик ҳаракати кенг йўл очиб берилгани, ишбилармонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизни ҳам бизнесга кўл уришга ундади, — дейди «UZPROTECH HOLDING» бош ҳисобчиси Нарзулла Юнусов. — 2015 йилда янги турдаги полипропилен қоп маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кенг йўлга қўйиш мақсадида «Ўзмиллийбанк» Тошкент вилоят бўлимига кредит сўраб мурожаат қилдик. Бизнес лойиҳамиз тезда маъқулланди, корхонамизга 6 йил муддатга Хитой Тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 2,76 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилди. Сармоя ҳисобига Австриянинг Starlinger (Старлинг) компанияси AD\*Star (Ад\*Стар) туркумидagi қопларни ишлаб чиқарувчи энг

сўнгги технологик ускуналарни харид қилдик. Ҳозирги кунда корхонамиз томонидан замонавий технологияларни қўллаган ҳолда, импорт ўрнини босувчи полипропилен қоп маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Ҳозир корхонамизда 20 киши иш билан таъминланган, яна 10 нафар коллеж битирувчиси учун қўшимча иш ўрни ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

Шунингдек, Миллий банк оилавий тадбиркорлик, шахсий ва ёрдамчи ҳўжалик маҳсулотларини етиштирувчи ишбилармонларни ҳам керакли маблаглар билан таъминлаб келмоқда. Улар орасида коллеж битирувчиларига ажратилган кредитлар муҳим аҳамиятга эга. Банкнинг молиявий кўмаги ёшларга бошланғич капитални шакллантириб, ўз фаолиятини бошлашлари учун катта имконият яраттаётди.

Мухтасар айтганда, Миллий банк сармоялари эвазига тадбиркорларимиз томонидан ташкил этилаётган иш ўринлари халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Миллий банк матбуот хизмати.

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

## TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.  
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259

8765

nuxsada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:35

Topshirilgan vaqti — 23:45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZOROV

TSSN 2010-7433

1 2 4 5 6